

ИЛМ ИЗЛАГАНГА — ИЛМДИР ДУНЁ

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Мамлакатимизда илм-фан ривожига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, ёшларнинг ижодий, интеллектуал ва тадбиркорлик салоҳиятини рӯёбга чиқариш, уларнинг инновацион гоялари, лойиха ва технологияларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, иқтидорли талабалар, ёш олимларнинг фаолиятини рағбатлантириш, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратилаётгани фикримизнинг яққол далилидир.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Умумий ва ноорганик кимё институти Азотли, комплекс ўғитлар ва стимуляторлар лабораторияси мудири, кимё фанлари доктори Азиз Иброҳимов ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланаётган иқтидорли ёш олимлардан.

У 2017 йили 28 ёшида кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), ўтган йили докторлик дисертациясини ёқлади. Иккита патент ва тўқсондан ортиқ илмий мақола ва тезис мувалифи. Дунёнинг бир неча давлатлари, жумладан, Жанубий Корея, Нидерландия, Буюк Британия, Бельгия ва Саудия Арабистонида илмий сафарда бўлган. 2015-2016 йилларда Германиянинг Ахен шахридаги RWTH университетининг ноорганик кимё кафедрасида профессор Улерих Энглерт



бири шунга йўналтирилган. Айни пайтда қишлоқ хўжалиги экинлари ўсиши ва ҳосилдорлигини оширувчи, уларни заарли патогенлардан ҳимоя қилувчи икки турдаги янги препарат токсикология синовларидан ўтмоқда. Яқин келажакда амалиётга татбиқ этилади.

— Кембриж халқаро тузилмалар банки 1987 йилда Буюк Британиянинг Кембриж университети олимлари томонидан кристаллографлар учун яратилган маълумотлар банкига юзга яқин тузилма кўшган экансиз. Улар нималардан иборат эди?

— Ҳозирги кунда ушбу базага бир миллионга яқин моддалар тузилмаси жойланган. Мен ўзбек олимлари томонидан янги синтез қилинган юзга яқин шундай моддалар тузилмасини бу базага